

Илм, муаллим ва мутааллимнинг фазилати



08:40 / 18.07.2019 2350

Аллоҳ таоло инсонларга беҳисоб неъматларни берган, уларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан қадрли ва фазилатлидир. Мана шу неъматларнинг ичида доимо ўзимиз билан бирга бўладиганларининг баъзиларини эслатиб ўтмоқчимиз. Аввало ҳар бир мўмин- мусулмон учун энг қадрли бўлган неъмат – иймон ва илм неъматидир. Бу иккала неъмат мужассам бўлган тақдирда рўёбга чиқадиган энг улуғ неъмат – Аллоҳга қулликни изҳор қилишга сабаб бўладиган ибодатдир. Сўнгра кўриш, эшитиш, гапириш, сезиш, тафаккур, ақл, фаросат, қўл, оёқ ва бошқалар. Бу неъматларнинг саноғига етиб бўлмайди. Бу тўғрида Аллоҳ таоло Ўзининг каломи шарифида қуйидагича марҳамат қилган:

﴿مُحْصُوهَا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ نِعْمَتَ تَعْدُوا وَإِنْ﴾

«Агар сизлар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига етолмайсизлар» (Иброҳим сураси, 34-оят).

Сон-саноқсиз неъматлар ичида инсониятнинг бошқа махлуқотлардан ажралиб, юқори мартабаларда туришига сабаб бўладиган неъматлардан бири, шубҳасиз, унинг илм соҳиби бўлишидир. Чунки илм рағбат қилинган нарсаларнинг энг шарафлиси, орзу этилишидан ташқари, қўлга киритилиши учун жидду жаҳд қилишга ундалган нарсаларнинг энг устуни ва эришилган нарсаларнинг энг фойдаси кўпроғидир.

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ ҳар бир илмнинг ўзига яраша фазилати борлигини баён этиб, шундай дейдилар: «Қуръонни ўрганган кишининг қиймати юксалур, фикҳни ўрганган кишининг қадри олий, ҳадис жамлаганнинг ҳужжати қувватли, ҳисоб ўрганган кишининг фикри гўзал, луғат ўрганган кишининг табиати дақиқ бўлур. Нафсининг ёмонликларидан ҳимояланмаган кишининг илми унга фойда бермас».

Илм ёшда соҳибига истиқомат йўлини кўрсатади. Улғайганда эса уни халқнинг пешвосига айлантиради. Яна илм ботил ва фосид амалларни тузатиб, ислоҳ қилади, душман ва ҳасадчиларни мағлуб этади, эгри ва янглиш ишларни тўғирлайди, орзу-мақсадларни рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам илм фазилат ҳисобланади, уни қадрламаган шахс мутлақо жоҳилдир. Жоҳиллар илмнинг фазилатини ўлчайдиган манбага эга бўлмаганлигидан илмнинг фазилатини англамайдилар ва илм аҳлини ҳақир санайдилар, нафслари майл этган тотсиз моллар ва жозибали овозлар билан машғул бўлиб, жаҳолат ботқоғига янада чуқурроқ чўкиб, ботиб бораверадилар. Уларнинг бу ҳолатларини фақатгина олимлар билурлар. Чунки улар ҳам илгари жоҳил бўлганлар ва бу йўлларни босиб ўтганлар. Аммо жоҳиллар ўзларининг ушбу мусибатларини тушуниб ета олмайдилар, зеро, уларда ундай илм йўқ.

Аллоҳ таоло инсонни ер юзида халифа – ўринбосар қилиб танлагани ва уни илм неъматини билан сийлаб, фаришталардан ҳам фазилатли этгани ҳақида шундай хабар беради:

﴿صَدَقِينَ ۞ كُنْتُمْ إِنْ هُوَ إِلَّا بِأَسْمَاءِ أَنْبِيَايَ فَقَالَ الْمَلَكُ عَلَى عَرَضِهِمْ كُلِّهَا الْأَسْمَاءَ ءَادَمَ وَعَلَّمَ

«Ва Одамга исмларнинг барчасини ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга кўрсатиб: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, манавиларнинг исмларини менга айтиб берингчи», деди» (Бақара сураси, 31-оят).

Аллоҳ таоло одамни Ўзининг ер юзидаги халифаси қилаётган пайтда унга улуғ бир сирни очганлиги ушбу оятдан билиниб турибди. У ҳам бўлса, одамга исмларнинг барчасини ўргатганидир. Яъни инсон ўзини ўраб турган барча ашёларнинг белгиси сифатида исмни, маънони ишлатади. Ҳис қилинадиган, жисмга эга бўлган нарсаларни фаҳмлаш учун нутқий рамзларни ишлатиш қудрати инсон ҳаётида энг улуғ қудратлардан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, бировга тоғни тушунтирмақчи бўлсанг, уни тоғнинг олдига олиб бориб, айлантириб кўрсатишдан ўзга чора бўлмасди. Агар Аллоҳ таоло инсонга ушбу қобилиятни бермаганида, ер юзида ҳаётни тасаввур қилиш қийин бўлар эди.

Ривоятларда келишича, «Бунинг исми от, буниси туя, манави қуёш, бу эса юлдуз», деб ҳатто кичкина нарсаларгача ўргатилган. Яъни одамнинг ер юзида халифа бўлишининг асосий сабабларидан бири – илм олишга истеъдодининг борлигидир. Ҳозирда инсоннинг ўз илми ила борлиқнинг ажиб сирларини кашф этаётгани ҳам ўшанда берилган қобилият натижасидир.

«Таълим ва тарбия» китобидан олинди